801198

Санкт-Петербург, Лондон...ларни «айланиб» яна юртимизга қайтди

Юртимизда теннис ривожига улкан ҳисса қўшган, барчамизга яхши таниш бўлган машҳур Сассон Какшури турли даврларда ва турли ҳаттотлар томонидан нозик дид ва инжа санъат билан кўчирилган Қуръони карим нусхаларини яқинда Имом ал-Бухорий меъморий мажмуасида қурилган кутубхонага ҳадя этди. Бу нодир хазинага мансуб китобларнинг кўпчилиги олис тарихда кўчирилган ноёб нусхалардир. Айрим китобларнинг эса ўзига хос тарихи бор. Масалан, бир вақтлар Бухоро амирининг кутубхонасида сақланган ва истилодан кейин Санкт-Петербургга олиб кетилган Қуръони карим нусхаси ҳам Лондону бошқа шаҳарларни айланиб яна юртимизга қайтиб келди.

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилди

Мамлакатимизда улуғ бобокалонимиз, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан аллома абадий қўним топган Челак тумани Ҳартанг қишлоғидаги қадамжода улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, у бутун дунёдан ташриф буюрадиган зиёратчилар учун муборак масканга айланди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида ал-Бухорий ҳаёти ва илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, кенгроқ тарғиб этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ўқув юртлари ҳамда алоҳида шахслар жамоатчилик халқаро жамғармасини ташкил этиш таклифи билан чиқдилар. Бугун ушбу эзгу ният амалга ошди.

Тошкентда Имом ал-Бухорий жамоатчилик халқаро жамғармасининг таъсис мажлиси ўтказилди. Унда жамғармани таъсис этаётган вазирлик ва идоралар, қўмита ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев бошқарди.

Таъкидландики, мазкур жамғарманинг асосий мақсади ислом оламининг улуғ мутафаккири, ҳадис илмининг султони — Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, аллома номи билан боғлиқ маданий ва тарихий ашёларни тўплаш, унинг ижодига мансуб асарлар ва қўлёзма манбаларни излаш ва чоп этиш, халқ ўртасида тарғиб қилиш, улардан ёшларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланишга кўмаклашишдан иборат. Жамғарманинг молиявий манбалари мамлакатимиз ва чет эл фуқароларининг, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳамда хорижий корхона ва идораларнинг, диний ташкилотларнинг кўнгилли бадаллари, хайр-эҳсонларидан, шунингдек, жамғарманинг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган маблағлардан таркиб топади.

Таъсис мажлисида янги жамғарманинг Низоми қабул қилинди, шарқшунос олим З. Мунавваров жамғарма бошқаруви раиси этиб сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)

Темирйўлчилар келишиб олишди

Тошкентда МДҲ мамлакатларининг темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда Болтиқбўйи мамлакатлари, шунингдек, Болгариянинг темир йўл транспорти маъмурияти раҳбарлари ҳам қатнашди.

Икки кун давом этган ушбу анжуманда юк вагонларидан фойдаланишнинг ўзаро ҳисоб-китоби, МДҲ мамлакатлари ўртасида темир йўллар тарифини шакллантириш сиёсати, давлатлараро юклар ташишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳалокатли вазиятларни бартараф қилиш, МДҲ мамлакатлари темир йўл транспорти маъмуриятларининг юкларни назорат қилиш ва бож тўлашда божхона ташкилотлари билан ҳамкорлик тамойиллари каби ўндан ортиқ масала муҳокама этилди.

Бу дунёнинг ишлари

Асирлар алмашилди

Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний ҳукумати, мудофаа вазири Аҳмадшоҳ Маъсуд толиблар билан асирларни алмашиш бўйича барча баҳсли муаммоларга чек қўйди. Кеча маълум бўлишича, у 65 нафар толиб ҳарбий асирларини озод этган. Толиблар ҳам шунча Маъсуд тарафдорларини озод этганлар.

Лей қадри тушмоқда

Миллий валюта — лей қиймати тушиб кетиши натижасида Молдовада юзлаб дўкон, ресторан ва бошқа савдо шаҳобчалари ёпилди. Миллий валютанинг долларга нисбатан қадри 50 фоиздан ҳам кўпга тушиб кетган. Бунга мамлакат марказий банкининг лей қадрини оширмаслик ҳақидаги баёноти сабаб бўлди. Чунки, миллий валюта қадрини тутиб туриш учун зарур бўлган 120 миллион доллар Молдова давлат валюта заҳираларининг қарийб ярмини ташкил этади.

Сўнгги жавоб кечиктирилади

11-13 ноябрда Япония Бош вазирининг Россияга ташрифи чоғида Жанубий Курил ороллари муаммосини ҳал этиш бўйича Токио Москвага бериши мўлжалланган таклифларга Россия Президенти жавоблари мундарижаси ошкора этилмаслигини Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакили тасдиқлади. Шунга қарамай, айрим маълумотларга кўра, хужжатда Жанубий Курил ороллари Россия маъмурияти мавжудлиги ҳақиқатини номаълум муддатга кечиктирган ҳолда у ерда Япония юрисдикциясини тан олиш ҳақида гап боради. Маълумки, шу йил баҳорда Япония Бош вазири Борис Ельцин билан учрашганда мазкур ороллар муаммосини ҳал этиш бўйича янги таклифлар киритган эди. Япония ва Россия Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган учрашувларида таъкидланишича, икки давлат раҳбарларининг яккама-якка учрашувида ушбу масалага сўнгги жавоб берилади.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 ноябрь, пайшанба • № 132 (24.369).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Халқ саломатлиги йўлидаги ғамхўрлик

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат Дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

— Йиғилишдан мақсад, — деб сўз бошлади юртбошимиз, — Дастурни амалиётга киритишдан олдин, халқимизнинг ижтимоий турмуш шароитидан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг моҳиятини, аҳолига кўрсатадиган хизматини муҳокама этишдир. Мен ўйлайманки, ушбу Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида тортишувлар, фикр алмашишлар бўлган. Йиғилганларда Дастур юзасидан бирор фикр бўлса, ўз фикрининг ҳақлигини исботлаб берса, албатта амалиётга киритамиз.

Шундан сўнг Республика Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов Дастур лойиҳаси юзасидан ахборот бердилар.

Тизимни ислоҳ қилиш деганда давлат кафолатли сектори қаторида нодавлат ва хусусий секторларни ташкил этиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, сифати ва самарасини ошириш тушунилади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қўшни давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда давлат ва ихтиёрий суғурта йўлини танлашди. Бу аҳоли суғурта қоғозини сотиб олиб, сўнгра шифокорга мурожаат қилиши мумкин дегани. Агар бирор шахс суғурта қоғозини сотиб олишга қурби етмаса, шифокор уни қабул қилмайди дегани. Суғурта қоғозисиз одам эмас дегани. Ҳар бир давлатда аҳолининг ўзига тўқ табақаси қаторида кам таъминланган қисми ҳам мавжуд. Шунинг учун биз бошқа йўлни, яъни нодавлат ва хусусий секторлар қаторида кафолатланган давлат секторларини ҳам ташкил этиш йўлини танладик. Лекин давлатдан ташқари секторларда ҳам даволаниш учун кетадиган сарф-харажатнинг кам деганда 20 фоизи бюджет ҳисобидан, кафолатланган бўлади. Давлат, нодавлат ва хусусий секторлар хусусида: Давлат ва ихтиёрий суғуртани чуқурроқ англаб олишимиз керак. Аввало аҳоли ўртасида тенглик бўлиши шарт. Ҳар ким эҳтиёжига қараб ёрдам олиши, пулига қараб эмас, одамга одам сифатида қараб муомала қилиниши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда тиббиёт тизимида тартиб ўрнатиш талаб этилади. Дейлик, қишлоқлардаги соғломлаштириш тизимлари кимга қарашли? Улар ўз билганича ишлаяпти. Ҳаммасини тартибга олиш керак! — деди таъкидлаб Ислом Каримов.

Янги Дастур муҳокамасида шу нарса маълум бўлдики, давлат клиникаси ёнида хусусий ёки нодавлат клиникалари ҳам мавжуд бўлади. Уларнинг фаолият тизими деярли бир хил. Нодавлат ва хусусий секторлар албатта пуллик, лекин уларга мурожаат этадиган аҳолининг ҳақ-ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади. Расмий жиҳатдан олганда бизда ҳозирги кунда пуллик жарроҳлик йўқ. Амалда эса аксинча. Ушбу масалаларга тўхталиб: ҳатто баъзи касалхоналарга келаётган беморлар чойшабларини ҳам ўзи билан бирга олиб келади. Туғуруқхоналар ҳақида-ку гапирмай қўя қолайлик. Суюнчи пули,йўргак пули ва ҳакозо. Барча клиникаларда, касалхоналарда беморлар пулга даволанаяпти. Шифокорлар турли йўллар билан пора олаяпти. Агар биз хусусий қилсак, пуллик хизмат расмий бўлади, яъни жарроҳликнинг сарфи чегаралангган бўлади. Энди мана давлат клиникаси қаторида хусусий клиника ҳам очиларкан. Камбағалларга алоҳида, бойларга алоҳида бўларкан деган хаёлга борманглар. Ҳар иккисида ҳам бир хилда хизмат кўрсатилади. Тўғри, хусусий бўлгач ўз фаолиятини кенгайтириш, жаҳон стандартларида жарроҳлик ускуналарини келтириш ҳуқуқига эга бўлади. Шунга яраша беморни даволаш кафолатини олган ҳолда сифатли хизмат кўрсатади. Албатта, булар қонунийлаштирилади. Жавобгарлик ўрнатилади. Мен доим айтаман, бизда ислоҳот ислоҳот учун эмас, бемаъни ишларга чек қўйиш учун қилинади, — деди Ислом Каримов.

Йиғилишда ҳамширалар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тиббиёт илмгоҳлари қошида олий ҳамшира тайёрлайдиган махсус факультетлар очиш айтиб ўтилди.

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси Г. Йўлдошева, Касаба уюшмалари республика федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова ва бошқалар Дастур юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгашда Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Тожикистон Республикасидаги вазият муносабати билан БАЁНОТИ

Қатор ахборот агентликлари маълумотларига кўра, турли қуролли гуруҳларнинг хатти-ҳаракати натижасида Тожикистоннинг Ленинобод вилояти маркази — Хўжанд шаҳрида вазият ўта кескинлашган. Қурбонлар бор.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати Тожикистон ҳукуматининг Президент И. Раҳмонов раҳбарлигида «Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш ҳақидаги умумий битим»га мувофиқ, тинчлик жараёнларини амалга ошириш борасида тутган йўлини қўллаб-қувватлашини билдириш ваколатини олган.

Ўзбекистон ҳукумати тинчлик жараёнларининг муқобили йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай қуролли чиқишларга тинчлик жараёнларига қаршилик қилувчи, шу билан бирга ўта ғаразли ва уруғ-аймоқчилик манфаатларини кўзловчи кучлар ҳаракати деб қаралмоғи керак.

Бугун тинчлик жараёнларини ана шундай хатти-ҳаракатлари билан қўпоришга уринаётганлар Ўзбекистон Тожикистоннинг энг яқин қўшниси сифатида бу мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликдан бошқалардан кўра кўпроқ манфаатдорлигини, бу йўлда зарур ёрдам беришга тайёр эканлигини, Тожикистон раҳбарияти тутаётган йўлни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверишини қатъий англаб олмоғи лозим.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 4 ноябрь.



Бугунги кунда Қарши шаҳридаги «Каштекс» ҳиссадорлик жамияти фабрикаларида тикилаётган маҳсулотлар аҳолига манзур бўлмоқда. Бу ерда мингга яқин ишчи хизмат қилади. Мазкур бирлашма пахтани қайта ишлашдан тортиб тайёр кийимлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи бажаради. Айни пайтда тола тайёрлаш, ип йигириш, мато тўқиш, бўяш ва тикув фабрикалари мунтазам ишламоқда.

Бирлашма маъмурияти Ҳамдўстлик давлатлари ва чет эл фирмалари билан товар айирбошлаш тўғрисида келишувлар олиб бормоқда.

СУРАТДА: трикотаж матолар тўқиш дастгоҳининг тикувчи-оператори Қумри Элмуродова иш устида.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Поезд йўли нега қисқарди?»

Ўзбекистон транспорт прокуратураси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 10 октябрь сонида чоп этилган «Поезд йўли нега қисқарди?» сарлавҳали мақолада кўрсатилган, илгари қатнаган 80/79 сонли «Тошкент— Сариосиё» тезюрар поездининг тўхтатилиши Сариосиё, Узун, Олтинсой, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларида истиқомат қиладиган аҳолига бирмунча қийинчиликлар туғдираётганлиги факти юзасидан текшириш ўтказди.

Ушбу мақола «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти томонидан ҳам Ўзбекистон транспорт прокуратураси ҳамкорлигида атрофлича кўриб чиқилди ҳамда Тошкент вагонларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш дирекцияси жамоаси орасида муҳокама этилиб, мақолада кўрсатилган камчилик ва муаммолар тўғри деб топилди.

Узун, Денов, Жарқўрғон ва бошқа туманларда яшайдиган кўплаб аҳолининг истак ва талабларини қондириш мақсадида 80/79 «Тошкент — Термиз» тезюрар поезди маршрутини Денов бекатигача узайтириш ҳамда чипталар нархини бироз бўлса-да пасайтириш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК маъмурияти томонидан уни оддий йўловчи поезд тоифасига ўтказишга қарор қабул қилинди.

Текшириш натижаларига кўра ҳамда Ўзбекистон транспорт прокуратурасининг ташаббусига мувофиқ 1630-сонли 24.10.98. йил «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК телеграф кўрсатмасига асосан 07.11.98. йилдан бошлаб 280/279 йўловчи поезди «Тошкент—Денов» бекатлари оралиғида қатнай бошлайди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан «Ўзтемирйўлйўловчиларташиш» давлат корхонаси бошлиғи Т. Р. Дадахўжаев қонун бузилишига йўл қўйганлиги сабабли прокурор томонидан расман огоҳлантирилди.

Б. АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон транспорт прокуроринг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Журналист текшируви

Газни ёқадию ҳақи чақадими?

— Қиш курагини судраб келяпти. Ўтган йили совуқдан анча азоб чекканмиз. Бу йил ҳам шундай бўлади, чоғи. Уйимиздаги иссиқлик қувурлари ичдан чиқаёзган.

— Нимасини айтасиз. Бизда ҳам шу аҳвол. Биз яшаётган уй тўлиқ таъмирга муҳтож. Бунинг устига газ бир меъёрда келмайди. Баъзи хонадонларнинг газ ҳақи тўламагани эвазига шундай бўлаётганмиш...

Баъзан бундай суҳбатларга кўчада, йўл транспортида кетаётганимизда дуч келиб қоламиз. Қиш яқинлашиб, ҳаво совий бошлаганида одамларнинг бу ҳақдаги қайғуришлари ортиб боради. Бу кўрсатилаётган коммунал хизматдан кўнгил тўлмаётганлиги аломати эмасми?

Маълум бўлишича, юқоридаги муаммолар орқасида бошқа бир масала—аҳолининг коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаётганлиги кузатилган. Бу узлуксиз иш маромини таъминлаш, коммунал таъмирлаш ишларини олиб бориш учун маблағ масаласини кўндаланг қилиб қўяди.

Қўлимиздаги Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигидан олинган маълумотларга кўз югуртирсак, бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди. Ҳозирги кунда республикамизда 3 миллион 337 минг хонадон, 3078 та саноат корхоналари, 32193 та коммунал хўжалик ташкилотлари табиий газдан фойдаланмоқдалар. Бу ҳолатни 1991 йилга таққосласак, ўша даврда 1 миллион 838 минг хонадон, 2086 та саноат корхоналари ва 22032 та коммунал хўжалик ташкилотлари табиий газ билан таъминланган эди. Газ таъминотидаги бундай ўсиш ҳукуматимиз юритаётган оқилона сиёсат самарасидир. Айниқса, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида Президентимизнинг 1990 йил 2 июлдаги «Ўзбекистондаги қишлоқ аҳолисини табиий газ ҳамда ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш ҳақида»ги Фармони катта ғамхўрлик тимсоли бўлди. Бугунги кунда умумий бир йиллик табиий газ сарфи 38 миллиард кубдан зиёддир.

Лекин истеъмолчиларнинг газ тўловларини ўз вақтида бажармаслиги бу борадаги кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунга келиб аҳолининг жами тўланмай қолган қарзи 2 миллиард 665 миллион сўмни, саноат ва коммунал хўжалик ташкилотларники 35 миллиард 629 миллион сўмни ташкил этади. Шундан муддати ўтган қарзлар 21 миллиард 67 миллион сўмдир. Энергетика вазирлиги (20 миллиард 800 миллион сўм) ва «Ўзкимёсаноат» концерни (6 миллиард 597 миллион сўм) қарздорлиги юқори бўлган ташкилотлардир.

Умумий ҳисобда истеъмолчилар қарзи 38 миллиард 295 миллион сўм бўлиб, ўз навбатида газ таъминотчилари ҳам газ етказиб берувчи «Ўзбектрансгаз» ташкилотидан 38 миллиард 508 миллион сўм қарздордир.

Халқ хўжалигидаги тўловларнинг ҳам кам эмас. Бундай хонадонлар билиб-билмай фойдаланаётган газнинг хавфли эканини, арзимаган сабаб фожиага олиб келишини билмасмикан? Йилнинг ўтган даври мобайнида қарздор бўлиб қолган 18924 хонадон газ хона ва истеъмолчи фуқаролар газ ҳақини тўлашни пайсалга солиб келмоқдалар.

Масаланинг яна бир томонига эътиборни қаратайлик. Юқорида истеъмолчи фуқароларнинг қарзи 2 миллиард 665 миллион сўм эканлигини кўрсатдик. Шаҳар ва туман газ идоралари ходимлари эндиликда ўз амалий иш фаолиятларини бир ёққа қўйиб уйма-ўй юриб, газ ҳақи тўловларни ундириш, қарздорлик бўйича тегишли ҳужжатларни туман ва шаҳар судларига, прокуратура идораларига бериш билан шуғулланишга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг устига ўзбошимчалик билан газ тармоғига уланиб олган хонадонлар таъминотидан узиб қўйилди. Ўзбошимчалик билан газ тармоғига улаб олинган хонадонлардан салкам 3 миллион 75 минг сўм жарима ундирилди. Аянчли томони шундаки, газ тармоғидаги битта хонадонни деб қолган кўплаб хонадонларни таъминотдан узиб бўлмайди. Қарздорлик эса ўз-ўзидан ортиб бораверади. Биргина йўл— бундай хонадонларни газ тармоғидан узиб қўйиш. Бу эса газ идораси ходимларининг ортиқча меҳнат ва харажатига сабаб бўлмоқда.

Қийинчиликлар туғдирса ҳам газ ҳақини йиғиб олиш учун, гарчи соҳа ходимлари фаолияти доирасига кирмаса-да, вилоят шаҳар ва туманларда пул йиғиб олувчи назоратчи гуруҳлар тузилди, уларнинг сони кўпайтирилди. Катта боқиманда қарзларга йўл қўйган вилоят раҳбарларига нисбатан вазирлик томонидан маъмурий чоралар ҳамда боқиманда қарзларни камайтириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани газ идораси ходимлари текширувида шу йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, туманда 14500 та хонадон газлаштирилган бўлиб, аҳолининг жами қарздорлиги 9 миллион 411 минг сўм эканлиги аниқланди. Хонадонларнинг ўртача қарздорлиги 6 мингдан 10 минггача, баъзан ундан ҳам юқори эканлиги кузатилди. Жумладан, Путилов кўчаси 120-хонадон соҳиби Митторов 10811 сўм, 187-хонадон соҳиби Мирзоян 10058 сўм, 229-хонадон соҳиби Ҳакимов 15400 сўм қарз .

Юнусобод туман газ идораси ходимлари томонидан ҳам шундай текширув ўтказилиб аҳолининг жами қарздорлиги 10 миллион 679 минг сўм эканлиги кузатилди. Бодомзор кўчасидаги 64-хонадон соҳибаси Аъзамова 24555 сўм, 71-хонадон соҳиби Йўлдошев 25370 сўм, Тимирязов кўчасидаги 72-хонадон соҳибаси Заидова 17901 сўм, 11-хонадон соҳиби Рўзиев 14898 сўм қарздорлик тўловларини тўламаган.

Биз қарзларни вақтида тўламаган хонадонлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ғ.Абдуллаев маҳалласи Ғ.Абдуллаев кўчасидаги 40 -уйда бўлдик. Хонадон соҳиби Убайдуллаев 1997-1998 йил учун 15800 сўм қарз экан.«Нега газ ҳақини ўз вақтида тўламайсиз?» деб сўраганимизда, «Уйни таъмирлаш керак, пулимизга тахта, темир олдик» деб жавоб берди. Ҳовли ичкарисидаги ҳолат таъмир ишлари давом этаётганидан далолат берарди. Юнусобод маҳалласи Рафиқова кўчаси 64 - хонадон соҳиби Тошпўлатова (13500 сўм қарз)га ҳудди шу савол билан мурожаат қилганимизда, «Озгина иморат қуруддик, тўлаймиз, иложи топилиб қолар» қабилида жавобни олдик. Маъруф Қориев кўчаси 100- хонадон соҳибаси Тиллахўжаева «Тўй қилдик, 15 кун бўлди.Газчилар келиб 8000 дан ошиқ пул тўлайсизлар деб кетишганди.Тўлаймиз» деб жавоб берди. Шинамгина ҳовли, рисоладагидек уй соҳиблари нега ўз вақтида газ ҳақини тўламаскан деб ўйлаб қоласан киши. «Тўловга қурбимиз етмайди» дейишига ҳеч ҳам ишонмайсиз.

Собир Раҳимов туманида бўлганимизда ҳам қарздор хонадонлар турли баҳоналару «Тўлаймиз» қабилидаги жавобни беришди. Омонат кўчаси 48 -хонадон соҳибаси Иноғомова (20000 сўм қарз) «яқинда тўлаймиз» дея жавоб берди. Дарвозадан кираверишда шарқона безаклар билан безалган, ҳошияларига чиройли гуллар расми туширилган айвон ҳамда кенг ҳовли ўртасидаги майдон — буларнинг ҳаммаси хонадон соҳибларининг қай даражада турмуш кечираётганлигини англатарди. Қарздор хонадонлар рўйхатини узоқ давом эттиришимиз мумкин. Лекин... Биз гувоҳи бўлган хонадонлар ончалик ночор турмуш кечиришмас экан. Имконияти бўла туриб, хафсаласизлик тўшагига ётиб олган бундай юртдошларимизни қандай тушуниш мумкин? Қарзини тўламай пайсалга солаётганлар орасида муҳташам иморату, кўзни қамаштирадиган чет эл машина эгалари, тижоратчилар, «Сендан мен камми?» қабилида дабдабали тўй ўтказадиганлар, ҳатто обрўли давлат идораларида ишлайдиган амалдорлар борлигини эшитиб энсангиз қотади.

Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркибидаги иссиқлик таъминоти ва энергетика бош бошқармаси бошлиғи Ҳожимурод Тошпўлатов :

— Бизнинг рўйхатимизни ҳам қўшиб қўйинг, — дея қўлидаги қоғозни узатди.

«Иссиқлик манбаи» корхонасидан иссиқлик таъминоти бўйича аҳоли қарздорлиги рўйхати экан. Унда ҳар бир вилоятнинг қарздорлик миқдори келтирилиб, жами қарздорлик 412 миллион 695 минг сўмни ташкил этгани кўрсатилган. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри ушбу рўйхатда етакчилик қилади.

Юқорида келтирилган далиллар, айтилган гаплардан мақсад кимнидир айблаш эмас, балки бугуннинг масъулиятини англаш, ён-веримиздаги воқеаларни тезда илғаб иш тутишга ундаш эди. Инчунун,Ватан, юрт равнақи йўлида ҳар бир фуқаро астойдил меҳнат қилса, унинг учун қайғурсагина мақсадга етишади. Аксинча, боқиманда-лик, атрофдаги ўзгаришларга писандсизлик — инсонни ўзлигидан ҳам, юрт олдидаги фуқаролик бурчидан ҳам маҳрум этади.

Баҳтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Оғриқли мактуб

Оёғи ердан узилган раҳбар

Қаландар ака!

Келинг, яхшиси, фамилиянгизни айтмай қўя қолай. Шундоқ ҳам Сизни кўпчилик танийди, исмингизданоқ билади. Танимаганлар хат сўнггида албатта таниб олишади. Асли кимлигингиз ҳам аён бўлади.

Гапнинг очиғи, Сизга хат ёзмоқчи, хат ёзиб кўнглингизни оғритмоқчи эмасдим, бундай фикр хаёлимдаям йўқ эди. Яқинда «Тошкент — Бухоро» поездида кетаётиб, бир қадрдон дўстингизни учратиб қолдим. Гап орасида Сизни ҳам эсладик.

— Қаландар жўрамиз амалидан олинганидан сўнг уйига бориб кўнгил сўрадим. Бироз хафа. Лекин лавозимидан бўшаганига эмас. Раҳбар бўлиб янги иномарка машина олдим, ўғил уйлантирдим, қиз чиқардим, аммо шу қўшқаватли янги иморатни битказолмай қолдим-да, деб жуда афсусланди, аттанг қилди, — деди дўстингиз ҳам «аҳволингиз»га ачиниб...

Иккаламиз бир муддат бир-биримизга қараб жим қолдик. У нималарни ўйлади, хаёлидан нималар кечди, билмадим. Лекин мен...

Мен ҳам Сизни узоқ йиллардан буён танийман. Дўстингизчалик яқин бўлмасам ҳам ҳар қалай ўртамизда салом-алик бор.

Қаландар ака!

Собиқ совет даврида турли лавозимларда ишладингиз. Елиб-югуриб «пахта иши»дан қутулиб қолганингиздан ҳабардорман. Бахтингизга Ўзбекистон мустақил бўлди-ю «жабрдийда»лар қаторида ишга қайта тикландингиз. Ҳар қолда қийинчиликларни кўрган, тажрибаси бор, дея сизга яна ишонч билдиришди.

Сизнинг туман раҳбари лавозимига келганингиздан кўпчилик қатори биз, танишларингиз ҳам хурсанд бўлдик. Қаландар ака хўжалик соҳасидаги тажрибаларини ишга солади, туман иқтисодини ҳар томонлама ривожлантиради, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшади, одамларнинг ишончини оқлайди, деб умид билдирдик. Собиқ шўродан қолган айрим бемаъни қиликлари, ўйинларини ташлаган бўлса керак, деб ўйладик. Афсуски, бу гал ҳам умидлар пуч бўлиб чиқди. «Буқрини гўр тузатади» деганлари рост экан.

Тўғри, омадингиз юришиб, беш йиллик раҳбарлик даврингизда икки марта дон ва икки марта пахта топшириш бўйича давлат режалари уддаланди, уддаланди деб ёзяпману, бу ёғи энди виждонингизга ҳавола...

Катта-кичик мажлисларда туманимизни ислоҳотлар асосида тараққий эттирамиз, қўшма корхоналар қурамиз, саноатни ривожлантирамиз, деб узундан-узоқ қилган маърузаларингиз, афсуски, қоғозларда сарғайиб қолиб кетди. Амал-тақал қилиб туман марказидаги эски «Деҳқон бозори»ни таъмирлаган бўлдингиз. Ўзингизча «янгилик» яратиб, туман марказидан йироқда хўжаликлар ҳисобидан янги бозор қурмоқчи бўлиб, қанча маблағ беҳуда сарфланди. Лекин одамлар «янги бозор»га бормадилар. Кичик бир туман марказида иккита катта бозорга эҳтиёж йўқлиги ўзўзидан аён-ку! Оқибатда бозор қурилиши чала қолди. Номига қурилган спорт мажмуаси аллақачон ёввойи ўт-ўланлар «гулзор»ига айланган. Кейин маълум бўлдики, бу ишларни фақат хўжакўрсинга, яъни юқори ташкилотларга ҳисобот бериш учун қилаётган экансиз. Ҳатто қуруқ маълумотлар билан матбуотни, тележурналистларни ҳам чалғитиб келдингиз. «Талантингиз»га қойил-е, ака!...

Сиз туманга раҳбар этиб тайинлангач, асосий ишни хўжаликлар сонини кўпайтиришдан бошладингиз. Туманда илгари мавжуд бўлган 14 та жамоа хўжалиги икки йил ичида 22 тага кўпайди. Сўнгра раислик лавозими бўйича ким ошди «пойга»си бошланди. «Пойга»ни шахсан ўзингиз кузатиб, шахсан ўзингиз ҳакамлик қилдингиз. Бу «пойга»да фақат бели бақувват «чавандоз»лар «ғолиб» чиқишди. «Ғолиб»лар эса кечиктирмай тезкорлик билан бригадирлар «пойга»сини уюштиришди. Офарин дейишдан бошқа илож йўқ!..

Шундай қилиб туманда кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш мутлақо издан чиқди. Кадрлар мутахассислиги, ишбилармонлиги ёки тажрибасига қараб эмас, балки сизга бўлган шахсий садоқати, меҳр-оқибати, талаб ва шартларингизни қандай бажаришга қараб тайинланарди. Оқибатда етук кадрлар, яхши мутахассислар вилоятга, қўшни туманларга кетиб қолди. Туманда эса бугунги ислоҳотларни амалга оширадиган ғайратли, шижоатли, билимдон «команда» эмас, балки лаббайчилар гуруҳи йиғилди. Гуруҳ асосан Сизнинг қошу қовоғингизга қараб елиб-югурадиган, лаганбардор ва товламачилардан иборат эди...

Қаландар ака! Аччиқ бўлсада, ҳақиқатни айтишга тўғри келади. Лавозимингизни суиистеъмол қилиб, туманда «ўзингиз хон, қўланкангиз майдон» даражасига бориб етдингиз. Мажлисларда оғзингизга келган ҳар қандай беҳаё гапларни қайтармасдингиз. Залда хотин-қизлар борлигининг сиз учун фарқи йўқ эди. Мажлисларда танқид қилиш у ёқда турсин, жиндай эътироз билдирган ё жиндай баҳслашган одам дарҳол «қатағон» қилинарди. Айримлари турли баҳоналар билан лавозимларидан четлаштирилди. Масалан, биргина туман хотин-қизлар қўмитаси раҳбарини уч марта, маданият бўлими икки марта, айрим хўжалик раҳбарлари эса икки-уч марталаб, одатдагидек қоп-қоп ваъдалар беришдан чарчамасдингиз. Ҳатто тўйларда микрофонга ёпишиб олиб, «Ҳамиша куйиб, ёниб ишлайлик. Туманимиз истиқболи порлоқ бўлади», деб ваъзхонлик қилардингиз. Шундай пайтда саҳнада роль ўйнаётган актёрга жуда-жуда ўхшаб кетардингиз. Эҳтимол, энг талантли актёрлар ҳам сизчалик роль ўйнолмаса керак. Улар саҳнада ўйнаса, сиз айнан ҳаётда, жамиятда тили ва дили, иши ва сўзи бошқа-бошқа алдамчи раҳбар ролини юксак маҳорат билан ижро этиб келдингиз.

Туманда аста-секин таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик авж олди. Порахўрлик юксак нуқталарга кўтарилди. Ҳатто мушуклар текинга офтобга чиқмайдиган, итлар бир нарса ташламасангиз беҳудага ҳурмайдиган бўлиб қолди...

Афсуски, туманда бўлаётган кўзбўямачилик, қинғир ишлар-у, талон-тарожликларни — ҳамма-ҳаммасини оддий меҳнаткаш одамлар жуда яхши билишарди.

Қаландар ака! Тумандаги маънавият, маданият ишлари ҳам ўлда-жўлда эди. Сиз бу соҳаларга юқоридан эътибор бўлгани учун номигагина аралашиб турардингиз. Ҳатто бир сафар «ҳамма маънавият, маънавият деяпти, маънавият ўзи нима?» деб сўраганингиз ёдимда. Энди маънавиятдан йироқ раҳбардан нима ҳам кутиш мумкин? Афсуски, ҳозир ҳам биров маънавият нима, деб сўраса, жавоб беролмаслигингиз аниқ.

Қаландар ака!

Сизга ўхшаган буқаламун, такаббур раҳбарнинг серқирра «фаолияти»ни, кўрсатган «каромат»ларини бир хатга сиғдириш қийин. Аслида ушбу қисқа хатнинг ёзилишига ҳам юқорида дўстингиз айтган «афсус надоматингиз» сабаб бўлди. Чунки сиз туманда шунча йил ишлаб, қурилиши битмай қолган боғча, мактаб, касалхона ёки дам олиш майдончалари ҳақида эмас, балки иккинчи қавати битмай қолган ҳашаматли иморатингизни ўйлаб аттанг қилибсиз, афсус чекибсиз. Бир эмас, иккита машинани қандай олганингизни, данғиллама тўйларингиз қандай ва қайси раҳбарлар ҳисобидан бўлганини туман аҳли яхши билади. Ҳатто сўнгги ўтказган ўғил уйлантириш тўйида туз билан гугуртни ҳам қўл остингиздагилар зиммасига юклашдан уялмадингиз. Энди тўйдаги ортиқча ҳашамни, тантана-ю, дабдабани ёзиб адо этиб бўлмайди. Пойтахтдан келган номдор артистлар «қистир-қистир» ёмғирининг тагида қолиб кетдилар. Энг ачинарлиси, безатилган тўй дастурхони атрофида оддий меҳнаткаш одамлар эмас, балки турли тоифадаги амалдорлар, катта-кичик раҳбарлар, фирма-ю савдо дўконлари бошлиқлари савлат тўкиб ўтиришди.

Ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйилган ушбу тўйнинг таърифини одамлар кўриб, эшитиб туришди. Ҳукумат ишониб қўйган туман ҳокими, шундай дабдабабозлик қилиб турганда оддий раҳбарлардан нимани кутиш мумкин? Сизда озгина бўлса-да диёнат йўқ экан. Ёки батамом инсофсизлик кўчасига кириб кетган экансиз. Шу даражада ҳовлиқиш, манманликка берилиш виждонсизлик эмасми?.. Ҳокимлик лавозими — мутлақо ҳоким, нимани истаса шуни қилади, айтгани айтган, дегани деган эмас-ку!.. Агар раҳбар кўнгли тусаган номақбулгарчиликни қилиб кетаверса, халқнинг ғазабига учрайди. Яқинда Президентимизнинг Фармонига биноан, масъул лавозимдаги инсофсиз шахс оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда ўтакетган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйгани, элюрт удумларини менсимагани, раҳбарлик шаъни ва обрўсига иснод келтиргани, шахсий манфаатлари йўлида эгаллаб турган давлат лавозимини суиистеъмол қилгани учун вазифасидан озод қилинганлиги бунга ёрқин мисолдир.

Президентимиз айтганидек, «Бизга ишонган, бизни шу вазифаларга қўйган халқ биздан «ўйин»ларни, турли фисқу фасод гапларни эмас, амалий ишларни кутяпти. Аслида халқ шунинг ҳисобидан бизга ишонч билдиради. Баҳони ҳам шунга қараб беради». Туман аҳли шу кунларда сизга қандай «баҳо» бераётганлигини ўзингиз ҳам эшитиб юрган бўлсангиз керак. Энди уларни эслатишдан, эслаб изтироб чекишдан фойда йўқ. Поезд кетди, ака... Энг ёмони иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалари издан чиқиб кетган туманга, туман аҳлига оғир бўлди. Бу ҳақда шу кунларда туманни тафтиш қилаётган вилоят комиссияси адолатли хулоса чиқарар. Шунингдек, давлат мулкини талон-торож қилиб, катта миқдорда пора олишда айбланаётган икки хўжалик ва бир ташкилот раҳбари сўроқ пайтида бор ҳақиқатни айтса ажаб эмас...

Юртбошимизнинг шундай ўгитлари бор: ***«Раҳбарнинг энг катта душмани — кибру ҳаво, ўзига бино қўйиш, ўзига ортиқча баҳо беришдир. Бундай раҳбар узоққа боролмайди».*** Ушбу сўзларнинг нақадар рост, нақадар ҳаётийлигини сиз ва сизга ўхшаб оёғи ердан узилган, ўз обрўсини тўкиб қўйган айрим риёкор раҳбарлар мисолида кўриш мумкин. Сизнинг фожиангиз ҳам асли риёкорликда. Чунки, сизга ўхшаган раҳбарларнинг лойи собиқ шўролар даврида қорилган, яхшилаб тепиб-тепиб пишитилган. Шу боис ҳам янги — мустақил замонга, ислоҳотлар руҳида фикрлаш, ишлаш, унинг асл моҳиятини англаб етиш қийин кечяпти... Мунофиқнинг жазоси шу — эл-юрт назаридан қолади, унинг нафратига учрайди, бадном бўлади.

Аслида мустақил юрт ривожи учун, Ватанимизнинг буюк келажаги учун фидойиларча ишлаётган ҳокимлардан, раҳбарлардан ўрнак олсангиз бўлмасмиди?.. Бугунги раҳбар мустақил Ўзбекистонинг бугуни ва эртаси учун ҳалол, инсоф ва имон билан ишлаши юксак шараф эмасми? Афсуски, шоли орасидаги курмак каби сизга ўхшаган маънавий тубан раҳбарлар учраб туради. На илож?..

Қаландар ака, мендан асло ранжиманг. Ушбу хат сиз ва сизга ўхшаб риёкорлик қилиб юрган, кибру ҳавога берилиб кетган, халқни унутган айрим раҳбарларга сабоқ бўлар, деган умидда ёзилди. Энг муҳими, ўрнингизга тайинланган янги ҳоким ўзи учун керакли хулосалар чиқарар...

Ашурали ЖЎРАЕВ

Обуна — 99

Қалб ташна бўлса...

Жорий йил учун «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обуна айниқса, Вобкент туманида энг юқори даражада қайд этилганди. Сабаби — вобкентликларда хоҳ у раҳбар, хоҳ ишчи ёки дала меҳнатчиси бўлсин, оммавий ахборот воситаларига ташналик мудом юқори, маънавиятга эътибор катта. Шу боис, кўпгина соҳаларда ислоҳотлар дадил одимламоқда. Режалар барвақт ўринланяпти.

Шу ўринда биргина мисол. Туман электр алоқа боғламасига ёш, ҳаракатчан Абдурахмон Ортиқов бош бўлиб келди-ю, ишлар ўнглана бошлади. Зеро, халқимизда: яхши раҳбар чин падар, деб бежиз айтилмаган. Қаранг, кичкина жамоада саксон бир киши бир оила фарзандидек халққа садқидилдан меҳнат қиляпти. Яқинда Японияннинг «НЕК» фирмаси ускуналари ўрнатилди. Энди 3000 номерлик янги АТС ишга тушиб, аҳоли замонавий телефон хизматидан фойдаланилади. Бир йўла халқаро линия 124 корхона, ташкилот, 3800 мижозга хизмат кўрсатади.

Алоқачилар ислоҳот талабларидан келиб чиқиб фойда берадиган имкониятларга кўл урмоқдалар: асаларичилик йўлга қўйилди. Бир гектар чорбоғ ташкил этилди. Ташландиқ ётган 10 гектар ерга чигит экилди. Жорий йилда ундан 40 центнердан ҳосил олинди, даромад ҳам бисёр.

Биргина бу эмас, 47 оила болаларига 36 минг сўмлик дарслик олиб берилди. Ишчиларга коржома, озиқ-овқат маҳсулотлари текин. Яқинда бу ерда мих ишлаб чиқарадиган цех иш бошлайди.

— Жамоамиз «Ўзбекистон овози»ни севиб ўқийди, — дейди Абдурахмонжон Ортиқов. — Яқинда вилоят ҳокими маъқуллаган ташаббус асосида шанбаликка чиқдик. Шанабаликдан тушган маблағ эвазига жамоанинг тенг ярми «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиш истагини билдирди. 9 нафар меҳнат фахрийсини эса корхона ҳисобидан текин обуна қиламиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тўйлар, маърака-маросимлар меъёрида бўлсин

Президентимизнинг оилавий тантаналар, тўйлар, маърака-маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланиб ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги Фармони жуда ҳам ўз вақтида чиққан муҳим тарихий ҳужжатдир. Фармонда халқимизнинг кўнглига тугиб юрган армонлари, истак-орзулари ўз ифодасини топган.

Бу Фармонни бутун қорақалпоғистонликлар қўллаб-қувватламоқдалар. У тарихий ҳужжат бўлиб, юқори лавозимдаги раҳбарлар ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг кундалик дастури бўлиб хизмат қилади.

Иброҳим МИРЗАНАЗАРОВ,
I-гуруҳ ногирони.
Нукус шаҳри

Ўзингда борига нима етсин

Навоий дон ва нон маҳсулотлари комбинатида ун ва омухта ем ишлаб чиқариш билан бирга беда уни қаламчаси тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ўртачўлда ишга туширилган заводда ана шундай маҳсулот тайёрланмоқда. Кунига 12 тонна беда уни қаламчаси ишлаб чиқарилмоқда. Табиий ўт-ўлан беда талқонига кепак қўшиш йўли билан тайёрланувчи бу қаламча тўйимли бўлиб, фойдали чорва озуқаси ҳисобланади. «Келажакда заводни кенгайтириб, ишлаб чиқариш турларини янада оширамиз», — дейди комбинат директори У. Ибодбеков

Музаффар ШАРОПОВ

Ўтинга ҳожат қолмади

Денов туманининг Хайробод қўрғонида 600 га яқин хонадон бўлиб, 3 ярим минг атрофида аҳоли яшайди. Бу ерларга зангори олов етиб келмаган эди. Туман ҳокимининг ташаббуси билан қисқа фурсатда саккиз ярим километрга яқин масофага қувурлар ётқизилиб, газ келтирилди. Хонадонларда зангори олов порлай бошлади. Ҳамқишлоқлар яқинлашиб келаётган қишқировли кунларда иссиқ-қина уйларда яшашга умид боғлаб, бунёдкорлардан миннатдор бўлишмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Пахта—98

ПАЙАРИҚ. 8 минг 700 гектар ерга барака қадаган туман пахтакорлари юқори ҳосил кўтардилар. Мўлжалдаги 21 минг тонналик пахтанинг асосий қисми юқори навларга сотилди. 152 бригада, 30 деҳқон-фермер хўжалиги пахта сотиш режасини ошиғи билан адо этди. Бу хирмонга «Оқ олтин», «Деҳқонобод», «Пахтакор», «Самарқанд» ва Бобур Ҳасанов номли жамоа хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар. Пайариқликлар қўшимча яна минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширишмоқчи.

ЖАРҚЎРҒОН. Туман пахтакорлари қабул пунктларига 33 минг 800 тоннадан кўпроқ хомашё топшириб, йиллик режани уддалашди. Ўртача ҳосилдорлик 31 центнерга етди. Пахтакорлар қўшимча 1200 тонна пахта топшириш ниятида меҳнат қилишмоқда.

ЧОРТОҚ. Асосан адир майдонларда пахта эккан пахтакорлар юқори ҳосил кўтаришга эришдилар. Қабул пунктларига 8300 тонна хомашё жўнатилиб, йиллик топшириқ бажарилди. Вилоятда биринчилар қатори ниятга етган пахтакорлар ҳосилдорликни 27 центнерга етказишди.

ХОВОС. Сирдарё вилоятининг мазкур туманидаги «Ховос» ширкатлар уюшмаси янги ўзлаштирилган 640 гектарли майдонда «Қирғиз-3» навли пахта уруғини қадаб, юқори ҳосил кўтардилар. Мириштқорлар 640 тонна дур-жавоҳир йиғиштириб, пахта сотиш режасини ортиғи билан бажаришди. Яна давлатга 50 тонна хомашё етказиб беришмоқчи. Айни пайтда «Фарҳод» ширкатлар уюшмаси ҳам режани адо этди. Улар 6369 тонналик хирмон кўтариб, маррага етишди.

Ўз мухбирларимиздан

Шакар конвейери ҳаракатда

Йўлбошчимиз 1993 йилнинг июнь ойида Голландия сафаридан сўнг Хоразм вилоятида бўлганларида «Энди четдан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишни эмас, уларни ўзимизда мўл-кўл етиштиришни рағбатлантириш керак» деганларида, тез орада қадимий заминда қанд-шакар заводи қурилажагини айтганларида хоразмликлар бениҳоя хурсанд бўлишганди. Зотан, заводнинг айнан шу диёрда барпо этилиши бу ерлик деҳқонларнинг миришкорлигига берилган баҳодир.

Хоразм тупроғида туз моддаси кўп. Маълум бўлишича, айни шўр ерда ўстирилган лавлаги таркибида шакар кўп бўларкан.

Хива туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигида 104 гектар майдонда лавлаги етиштирилиб, ҳар гектар майдондан 500 центнердан ҳосил олинди.

Шоназар ИБРОҲИМОВ

Суратларда: **1. Лавлаги ўриб олинаётган пайт. 2. Бригада бошлиғи Худойберган Асомиддинов, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Равшанбек Каримов ҳосил сифатини кўздан кечиряпти. 3. Лавлаги қайта ишланганидан сўнг шакарга айлантирилади.**

Муаллиф олган суратлар

ХДП хабари

Мақсад – обунада ҳам биринчи бўлиш

Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман кенгаши фаоллари ўзларини нафақат партия ишларида, балки деҳқончиликда ҳам синаб кўришди. Бу борада ҳам тиниб-тинчимас, жонкуяр эканликларини исботлашди. Улар туман ҳудудидан ўтадиган дарё бўйидаги қумлоқ жойдан 30 гектар ер олиб барвақт чигит қадашганди.

Ерга бўлган меҳр ва пешона тери эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Фаоллар режада белгиланган 30 тонна ўрнига 45 тоннага яқин пахта териб, режани 145 фоиздан оширишди...

Туман партия кенгашининг биринчи котиби Жўра Эргашев бутун диққат-эътиборини пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан якунлаш билан бирга обуна мавсумини муваффақиятли ўтказишга ҳам қаратмоқда. Улар партия нашрларига республикадаги барча туманларга нисбатан энг кўп обуна бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди. Албатта, бу борадаги режа ҳам 150 фоизга уддаланса, марра уларники!

Эркин ЭСИРГАДИЕВ

Юлдузли онлар

Асримиз бошларида капитан Роберт Скотт инсон қадами ҳали етмаган Жанубий қутбга экспедиция уюштирди. Бу илмий сафар учун у бор бисотини сарфлайди ва яна қарзга ҳам ботади. Унинг ягона орзуси муз қитъаси узра Британия байроғини биринчи бўлиб қадашдан иборат эди. Зарур асбоб-анжомлар, мўъжаз лабораториялар билан жиҳозланган кема Антарктида соҳилларида лангар ташлайди. Бир ярим йиллик йўл азобларидан сўнг Скотт кўзлаган манзилига етиб ҳам келади. Бироқ омад ундан юз ўгирганди. Тақдир муз қитъа кўксига биринчи бўлиб ўз ватани байроғини қадаш шарафини норвегиялик Амудеенга раво кўрган эди. Капитан Скотт бор-йўғи бир ойгина кеч қолади.

Руҳан эзилган Скотт сафардош дўстларидан жудо бўлади ва охир-оқибат ўзи ҳам муз қитъа узра абадий макон топади... Скотт муқаррар юз беражак ўлим олдидан ўз кундалигига шундай деб ёзганди:

«Катта кашфиётларга қодирмидим ёки йўқми — буни билмайман, бироқ бизнинг ўлимимиз мардлик ва матонат ҳали ҳам миллатимизга хос эканлигидан бир шаҳодатдир».

Стефан Цвейг капитан Скотт жасоратини инсониятнинг «юлдузли онлари» деб атайди.

Эътиборни бир лаҳза она-Ўзбекистонимиз, қадим Туркистонимиз тарихидаги бу воқеалардан асло қолишмайдиган юлдузли онларга қаратайлик.

Эрамиздан олдинги бешинчи асрда енгилмас подшоҳ деб ном қозонган шоҳ Кир II нинг бошини қонга ботирган Тўмарис момомизнинг буюк жасорати ҳали-ҳануз жаҳон мактабларининг тарих дарсликларида ўқитилиб келинади. Чунки бу жасорат афсона эмас, чин тарих эканлиги ёзиб қолдирилган. Машҳур тарихчининг гувоҳлик беришича, Мидия, Лидия ва Вавилонни истило қилган, Ўрта Ер денгизи бўйларидаги ҳудудларни ҳам забт этиб бўлган Кир II эрамиздан олдинги 530 йилда Марказий Осиёда яшовчи массагетларни бўйсундириш ва улар давлатини ҳам ўзига тобе этиш учун бизнинг юртимиз сари юриш қилади. Аждодларимиз бу вақтда Каспий денгизи ва Сирдарё оралиғидаги улкан ҳудудда яшар эдилар.

Кир II дастлаб массагетлар маликасини ҳийла йўли билан қўлга олмоқ ниятида унга ўз элчиларини юборади. Массагетлар шоҳи ўлимидан сўнг бева бўлиб қолган малика Тўмарисни ўзига хотинликка сўрайди. Кир II нинг асл нияти унга уйланиш эмас, балки юртини, Ватанини эгаллаш эканини фаҳм этган доно Тўмарис унга рад жавобини беради. Туркистоннинг жасур йигитларини ҳаёт ва мамот синовига ташлайди. Беомон жангда тўкилган қонлар дарё бўлиб оқади, массагетлар маликаси бош бўлган қўшинлар ғалаба нашидасини суради. Бироқ аёвсиз жангда Тўмариснинг ўғли ҳам Ватан учун ҳалоқ бўлган эди. Тўмарис жанг майдонида ўлиб ётган боскинчилар орасидан Кир II нинг жасадини топиб, унинг бошини олиб келишни буюради. Кирнинг бошини қон тўлдирилган идишга ботириб, айтади: «Сени енгиб тирик қолган бўлсам ҳам қалбим қасосга тўлик! Сен ўғлимни ҳийла билан қўлга туширдинг. Уни қатл этдинг. Шунинг учун жангдан аввал жўнатган элчиларингга айтганимдек, сени қонга тўйғазаман. Энди истаганингча қон ичавер!»

Кир II нинг ўлими ҳақидаги кўпдан-кўп ҳикоятлар орасида мен учун энг ишончлиси — мана шу! — деб ёзади Геродот. Тўмарисниг жасоратини инсониятнинг «юлдузли онлари» қаторига қўшгим келади.

«Отага шундай ўғил зарур...»

Буюк салтанат соҳиби ва улуғ аллома Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи» китобида Султон Жалолиддин Мангубердининг Синд дарёси бўйида Чингизхон лашкарлари билан бўлган муҳорабада кўрсатган жасоратлари ҳақида фахрланиб ёзадилар. Маълумки, Синд дарёси бўйидаги ана шу жангда Жалолиддиннинг етти-саккиз ёшлардаги ўғли асирга олинади ва Чингизхон болани шу ондаёқ қатл эттиради. Чингизхон беҳисоб лашкарга эга эди. Жалолиддин эса жуда оз кўшин билан қолган. Ана шундай кучлар нотенг бўлган муҳорабада Чингизхоннинг қўли баланд кела бошлайди. Жалолиддиннинг онаси, хотини ва бошқа аёллар даҳшат ичра фарёд қиладилар: «Аллоҳни ўртага қўйиб илтижо қиламиз, бизни ўлдириб, асирликдан қутқар!»

Жалолиддин ноилож барчасини сувга чўктиришни амр этади. Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, бу чинакамига бахтсизлик, ишониш қийин бўлган кулфат эди.

«Тўрт улус тарихи»да воқеанинг давоми шундай дарж этилган: «Султон юраги гирён, кўзлари нигорон бўлиб, болалари ва уруғлари билан минглаб дарду фироқ билан видолашиб, қора тўриқ отига миниб, мўғулларнинг беҳисоб лашкарига яна ҳамла қилди. Уларни орқага суриб ташлаб, сўнг жиловини орқага тортди. Совутини елкага ташлаб, чатрини қўлга олди, чўбини ерга отиб, отига қамчи босди. Синд дарёси қирғоғидан то узан (сув)гача ўн газдан ортиқроқ эди. У отни дарёга ҳайдади. Лашкардан бир тўдаси унга эргашган эди, мўғулларнинг ўқидан йўқлик денгизига ғарқ бўлди. Бу фириб дарёсининг наҳанги Ҳақ сўбҳоноҳу таолонинг марҳамати билан отнинг сузишига назарини солди...

Сохибқирону аъзам Чингизхони муаззам дарё қирғоғида турар экан, Султон Жалолиддин унинг рўпарасига етиб келиб, сувнинг у қирғоғида қора тўриқ отидан тушди ва эгар-жабдуқларини отнинг ингичка белидан олиб, ўз чопони ва ўқлари билан бирга офтобга қўйиб куритишга бошлади. Чатрини эса найзага илиб, ўзи унинг соясига ўтирди. Намози асргача еттита киши сувдан чиқиб келиб, султон Жалолиддинга қўшилди. Кун ботмасдан аввал бу етти киши йўлга равона бўлиб, Харқ чўлига кириб, бу тўқайдан олға силжидилар.

Юрагимда

Сохибқирони аъзам Чингизхони муаззам султон Жалолиддин ибн султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан бу аҳволни мушоҳада қилгач, либосининг ёқасини тааҳжуб бармоқлари билан тутди.

Олий нишонли султоннинг бу ҳоли Сохибқиронга манзур бўлди. Унга офарин айтди-ю, деди: «Отадан ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини беради. Қазоқадар қаршисида қудрат қўлини (мардона) очди. Мардлик билан ундан (қазо) қутулиб бўлмайди. Нима қилсин-қилмасин бу улуғ худо ишидир»

Султоннинг барча феъли ҳаракати

Қироллик тан олинди

Хитой ҳукумати Тонга қироллигини расман тан олганини эълон қилди. Хитой ташқи ишлар вазири Тан Цзясюан ҳамда Тонга ташқи ишлар ва мудофаа вазири Улукала Лавака Ата шу ҳақдаги қўшма коммюникени имзолади. Мазкур ҳужжатда Тонга ҳукумати Хитойнинг ягоналигини ва Тайван Хитойнинг ажралмас қисми эканини тан олиши таъкидланган.

Тайван билан эса ҳозирги кунда жами 26 давлат дипломатия муносабатларини ўрнатган.

Халқаро шартномага қўшилмаяпти

Ҳиндистон билан Покистон бутун дунёда ядро қуроли синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги халқаро шартномани имзолай олмаслигини маълум қилди.

Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпайнинг баёнот беришича, ҳозирги вазиятда мазкур халқаро ҳужжатни имзолаш Ҳиндистон учун мақбул эмас.

Покистон ташқи ишлар вазири Тариқ Алтоф ҳам АҚШ ва бошқа мамлакатлар Покистонга нисбатан иқтисодий жазо чорасини бекор қилмагунича, Покистон мазкур халқаро ҳужжатга қўшилмаслигини айтган.

Электрон почтадан кабутар афзал

Француз парламентарийси америкаликлардан анча хафа бўлди. Европарламентдаги Франция ноиблари гуруҳи ўз ҳукуматига Американинг «Эшелон» электрон разведка тармоғига қарши қандайдир чоралар кўришни талаб қилиб чиқди. Маълум бўлишича, у ҳар қандай сунъий йўлдош каналларини эшитар экан. Европарламент эксперти профессор Ален Помпиду шуни тасдиқлайдики, «АҚШда бир неча мутахассислар Европа мамлакатларининг етакчи саноат корхоналари фаолиятига тааллуқли гапларни таҳлил этишга жалб этилган».

Франция ҳукумати юқоридаги даъватга тезликда акс-садо берди. Бу муаммони ҳал этишга ваъда берди. Қандай қилиб дейсизми? Ахир, бугунги кунда сунъий йўлдош каналлари орқали бериладиган ҳар қандай гапларни эшитишга тааллуқли ҳеч қандай халқаро ҳуқуқий норма йўқ экан-да. «Фигаро» рўзномаси шуни қайд этдики, сирли маълумотларни почта кабутарлари орқали юборишга қайтиш зарур.

Яна автоҳалокат...

Шимолий Ҳиндистоннинг Ражстан штатида 500 киши заҳарланганлик белгилари билан касалхонага ётқизилди. Бу хлор баллонларини олиб бораётган юк машинаси автоҳалокатга йўлиққанидан кейин рўй берган. Ҳалокат натижасида заҳарли газ ҳавога тарқалгани қайд этилди. Заҳар яқин орадаги қишлоқларга қисқа вақтда тарқалган. Касалхонага ётқизилганларнинг барчаси кўкраги куяётгани ва кўзлари ачишаётганидан шикоят қилмоқда.

Гиннес китобига «даъвогар»

Дунёда нима кўп, ғаройиб воқеалар кўп. Гиннеснинг рекордлар китобини варақлаган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Унда бир тоғора қалампир ейишми, энг юксак чўққидан ўзини отишми, хуллас, ҳаммасидан бор. Билагининг кучига ишонганлар эса автомашинани бемалол судрашади, чарм тўп билан муттасил соатлаб ерга туширмай ўйнайдиганлар, ғиштни қўли билан иккига бўлиб юборадиганлар ҳақида кўп эшитганмиз.

Булар ҳаммаси жисмоний қобилият меваларидир, албатта. Аммо, айни пайтда ақлий қобилият мевалари ҳам йўқ эмас. Инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини ўрганиш марказини ташкил этган Юрий Горний бу борада баъзи янгиликлар қилаётгани ҳақида журналистларга гапириб берди:

— Ҳозирги замонда спорт фақат кучни, чаққонликнигина эмас, балки айтиш мумкинки, биринчи навбатда руҳий-жисмоний хусусиятларни талаб этади. Мусобақалашаётганлар енгиб чиқиш истагида бўладилар, — дейди у. — Тажрибада мен шуни исботладимки, мураккаб шахмат композициясини бир лаҳзада эслаб қолиш мумкин. Ёки боғланган кўз билан нишонга аниқ ўқ отса бўлади. Мияда 10 рақамли математик ҳисоблашларни қилиш мумкин. Кўзлар билан эмас, тери орқали кўриш мумкин.

Аммо, менинг Гиннеснинг рекордлар китобига кириш ниятим йўқ. Бундан кўра ноёб руҳий-ақлий қобилият сирларини ўрганиш муҳимроқдир. Гап бевосита руҳият соҳасига кўчмоқда. Бу инсоннинг ҳали ишга солинмаган ноёб имкониятидир. Машҳур афсунгарлар Вольф Мессинг ва Григорий Гутманлар юз йиллигига бағишлаб ўтказилган кечада журналистларга бу ҳақда билганларимни гапириб бердим.

— Қисқаси, — деб тугатди у сўзини, — нега у ёки бу команда етакчи мутахассисларнинг тахминларига қарамай, ғолиб чиқади ёки икки шахматчидан бири нега жаҳон чемпиони бўлади-ю, иккинчиси эса ғафлатда қолади? Булар ҳаммаси инсоннинг руҳий омиллари билан боғлиқдир.

Нефть эвазига озиқ-овқат

Ироқ пойтахтида йирик халқаро ярмарка очилди. Унга ўттизга яқин мамлакатдан вакиллар ташриф буюрган.

Ярмарка иштирокчиларининг аксарият қисми БМТнинг «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури доирасидаги шартномаларни имзолаш мақсадида келган. БМТнинг ушбу дастурига биноан, Ироқ ҳар ярим йилда баҳоси 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда нефтни четга экспорт қилиши керак. Тушган маблағ эса озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш учун сарфланиши лозим.

Ер юзи исиб бормоқда

Кейинги вақтларда Ер юзи иқлими жуда қаттиқ исиб бораётганлиги тўғрисида «шов-шув»лар тарқалди. Об-ҳаво кузатувчиларининг тасдиқлашларича, Ер шари жуда катта иқлим ўзгариши даврига кириб бормоқда. Бу асосан дунёда саноат тараққиёти билан боғлиқдир. Буюк Британия об-ҳаво маълумотлари хизмати хабарларига қараганда, бугунги кунда Ер атмосферасининг ўртача ҳарорати ўтган йилги қайд этилган ҳароратдан 0,5 даража юқоридир.

Олимларни, айниқса, Тинч океани тобора исиб бораётгани кўпроқ ташвишга солаяпти. Океан суви бу йил бултургидан 6 даража юқори ҳароратдадир. Бу эса ҳавонинг кескин ўзгаришига олиб келди ва бир қатор одатдан ташқари қучли бўрон ва сув тошқинлари келиб чиқишига сабаб бўлди.

Сулҳ битими ҳозирча амалда эмас

Исроил Бош вазирининг расмий вакили Авив Бушинский Исроил билан Фаластин ўртасида имзоланган сулҳ битимини амалга жорий қилиш ҳозирча бошланмаслигини маълум қилди. Бироқ унинг ушбу баёнотига Вашингтон маъмурияти томонидан норозилик билдирилди. Оқ уй вакилларининг таъкидлашича, мазкур ҳужжатни амалга ошириш келишувга биноан 2 ноябрь куни бошланиши керак. А.Бушинский эса ушбу ҳужжатни Кнессет (парламент) тасдиқламагунича, у ишга тушмайди, деди.

Исроил ҳукуматининг ушбу хатти-ҳаракати Фаластин маъмурияти томонидан ҳам танқид қилинмоқда.

Саломат бўлай десангиз

Емишдан кўра соғлиқ зарур

Бу сарлавҳани ўқиб, бироз ажабланаётган бўлишингиз табиий. Гап шундаки, ҳозирги замонда ҳаёт тарзи тез ўзгариб бораётган, илмий-техника тараққиёти ривожланаётган, айни пайтда атроф-муҳит аҳволи ёмонлашаётган ва айниқса, озиқ-овқатларда кимёвий моддаларнинг кўпайиб бораётганлиги, яшириб нима қиламиз, чет эллардан турли хил консервалар, колбасалар, сосискалар ва бошқалар «оқиб» келаётган бир чоғда озиқ-овқатни анча саралаб ейишга тўғри келмоқда.

Бир газетхон ҳозирги айрим колбасаларнинг ўта қизил рангдалиги сабабларини сўраган. Маълум бўлишича, колбаса тез айнимаслиги учун унга нитрит қўшар эканлар. Айнан ана шу колбасага қизил ранг бахш этар экан. Тиббиёт ходимларининг аниқлашича, агар нитритдан озроқ миқдорда қўшилса бунинг инсон учун зарари йўқ. Аммо, кўпгина чет мамлакатлардан «тадбиркорлар» келтираётган колбасаларда нитритлар миқдори одатдагидан 3-4 баробар кўп экан. Шунинг учун ҳам чет эл колбасалари ўта қизил рангда бўлади. Бу эса инсон учун анча хавфли, ҳатто заҳарланиш ҳам мумкин.

Қанд диабети касаллиги билан оғриган беморлар шуни яхши билишадики, улар асосан табиий озиқ-овқатларни хуш кўрадилар. Айниқса, бу ёши ўтган кишилар учун жуда ҳам зарур. Замонавий тиббиёт фани ҳам табиий озиқ-овқатлардан истеъмол қилишни маъқул кўрмоқда.

Қон қуйиш фойдалими?

Яқинда Москвада ачинарли воқеа содир бўлди. Бу ҳақдаги гап анча ёйилиб кетганлиги учун қисқача фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

14 яшар боланинг юқумли касаллиги аниқланиб, касалхонага тушиб қолади. Табиблар касалликни таҳлил этишгач, уни шу йил май ойида операция қиладилар. Кейин худди шу болалар касалхонасида яна икки бола ана шундай юқумли касаллик билан оғриганлиги маълум бўлади.

Гап шундаки, бу болаларга донор қони қуйилган. Сиз қон қуйиш методикаси бузилган ёки ташҳис нотўғри бўлиши мумкин, деб ўйлаётган бўлишингиз мумкин. Асло ундан эмас экан.

Ана шу шифохонада даволанаётган боласига онаси қон берган. Кейин у бошқа болаларга ҳам қон берган. Маълум бўлишича, онанинг қони касалланган экан. Болани даволаётган табиб хаёлига «ёмон қон» мутлақо келмаган. Маълум тайёргарликлардан сўнг уч болага қуйилган қон шундоқ ҳам оғир ҳолда ётган кичкинтойларнинг аҳволини оғирлаштириб юборган.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Умуман, бировнинг қонини қуйиш жуда ҳам зарурми? Тўғри, донор қони минглаб кишилар ҳаётини сақлаб қолган ва унинг аҳамиятини асло камситиб бўлмайди.

Шу муносабат билан ҳозирги замон тиббиёти «жонли қон»дан аста- секин воз кечиб бориш керак, деган фикрларни айтмоқда. Кўпгина ўта хавфли касалликларнинг олдини фақатгина шу йўл билан олиш мумкин. Қон ўрнини босадиган ва бу қонни асрайдиган технологиялар зарур, деб айтишмоқда. Бутун дунёда ҳозирги пайтда бундай тадбирлар кенг йўлга қўйилмоқда...



Осака. 980 метр узунликдаги «Минато Охаси» кўприги.

Кулги — умр зийнати

Маҳбуснинг хотини қамоқхона бошлиғига деди:

— Ўртоқ бошлиқ, эримни бошқа енгилроқ ишга ўтказсангиз. Иши оғирлигидан озиб-тўзиб кетибди.

— Кечирасиз, иши енгил, фақат ёстиқ ва кўрпа жилдлари тикади холос.

— Йўғ-е, нега унда ҳар куни кечаси эрталабгача ертўла кавлаяпман деяпти.

* * *

— Барча анализларни топшириб бўлдим, мана жавоблари, кўринг-чи, дўхтир.

— Хў-ўш, бўйрагингизда тош бор экан, қовуғингизда — қум, ўпкангизда — қоришма...

— Ия, дўхтир, лой қаеримда бор экан. Айни қурилиш қилмоқчи эдимда.

* * *

Профессор талабани имтиҳон қиляпти.

— Имтиҳон нима ўзи?

— Икки ақлли одамнинг суҳбати.

— Ҳмм, шулардан бири аҳмоқ бўлса-чи?

— Ие, домла, жуда камтаринсиз-да. Ахир профессорсиз. Нима бўлгандаям, маошингиздан маҳрум қилолмаймиз, талабаларни стипендиядан маҳрум қилгандек.

* * *

— Ўх-хў, дўстим, кўринишинг жуда яхшику.

— Бўлмасам-чи, ахир 80 килолик юкдан халос бўлдим.

— Тушунмадим, қандай юкдан?

— Хотиним билан ажрашдим.

* * *

Хотин эрига бақиряпти:

— Агар бошқа эрга тегиб кетсам, ачиниб қоласан.

— Бегона эркакнинг нимасига ичим ачийди.

* * *

Аёли ҳақида ҳар хил гапларни эшиттан эр кўчадан кира солиб, хотинига бақира кетди:

— Мен ҳаммасини биламан, ҳа, ҳаммасини.

— Йўғ-е, ҳаммасини биласизми? Унда айтинг-чи, Амазонканинг энг узун ирмоғи қайси?

* * *

Профессор ҳайрон бўлиб талабадан сўраяпти:

— Нега безгакни енгил касал деб ўйлаяпсиз?

— Ахир ўзингиз айтгансиз-ку, безгакни пашшалар кўтариб юради, деб.

* * *

Пойабзал дўконида харидор сотувчидан сўради:

— Бу туфлилар узоққа чидаса керак?

— Мен ҳам шундай фикрдаман. Негаки, бу туфлиларнинг иккинчи жуфтини олишга ҳали ҳеч ким келгани йўқ.

* * *

— Кеча менга одеялни алдаб сотибсиз, «шерст» деб. Ёрлиғида эса «100% пахта» деб қўйибди.

— Ҳа, дарвоқе, буни биз атайин ёпиштириб чиққанмиз — куяларни алдаш учун.

тикланар Ватан

Соҳибқирон (Чингизхон)га манзур бўлиб, таҳсин оғзини очиб, ўғилларига юзланди ва деди: *«Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб —олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди!»*. Бу инсонят тарихининг «ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ» эмасми?!

Истиқлолимизнинг ўтган етти йилига бир назар ташлайлик. Ўзбекистон шарафини жаҳон узра юксалтирган қанчадан-қанча қаҳрамонликларнинг гувоҳи бўлдик. Шахмат, бокс ва спортнинг бошқа турлари бўйича халқаро гроссмейстерлар ва жаҳон чемпионлари бўлган Рустам Қосимжонов, Артур Григорян сингари ёшларимиз озод Ўзбекистон номини жаҳон узра шарафладилар. Бутун оламнинг нигоҳи қадалган дунёдаги энг йирик шаҳарларнинг спорт иншоотларида озод Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилишига, унинг ҳиллираб туришига ўз маҳорати билан сабаб бўлган, олқиш олган ёшларнинг жасорати ҳар қанча таҳсинларга, фахр ва ифтихорга лойиқ эмасми! Улар ўз шон-шуҳратлари билан яна қанчадан-қанча ёшларнинг кўнглида ғурурни тарбиялашга, Алпомиш боболаримиз, ёвқур оталаримиз сингари паҳлавон келбатли мард инсонлар бўлиб етишишига ҳавас уйғотдилар!

Аслида Ватан туйғуси ҳар биримизнинг қонимизда, жонимизда бор. Фақат уни шакллантириш, тарбиялаш кўп жиҳатдан бизнинг савиямизга боғлиқ. Шу ўринда яна бир оддий мисолга эътиборни жалб этиш мумкин. Ҳар бир ўғил-қиз энг обрўли олий ўқув юртларида таҳсил кўришни ихтиёр этади. Бу табиий эҳтиёж. Бугун юртимизнинг мустақиллиги шарофати билан хориждаги энг машҳур университетларда таҳсил олиш имкони яратилди. Ёшларимиз ана шу жаҳоний илм масканларига ҳам бориб ўқимоқдалар. Яна ҳар йили қанчадан-қанча ёшларимиз АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги илм даргоҳларида ўқиш учун имтиҳон топширадилар. Улар сафидаги энг билими зўр, кучли, лаёқатли ёшларга бундай бахт ёр бўлмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, улар орасида ўз илми, қашфиётлари, ихтиролари билан Ватан шарафини юксалтирадиган олимлар, билими зўр ноёб мутахассислар етишиб чиқадилар. Демак, энг иқтидорли ёшлар, истеъдод намояндалари ҳам она юртни шарафлашга қодирлар.

Ватанни шарафлаш

Мана шунинг ўзи ҳам қалбимизга бемисл ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ватанни шарафлаш, Ватан шарафи учун фидойилик кўрсатиш сабоқлари ҳақида мушоҳада юритишга даъват этади. Мен гоҳо талабалар даврасида бўлганимда боболаримиз тарихнинг энг кескин, бурилиш лаҳзаларида қаҳрамонлик кўрсатганлар, бугун у қадарли жасорат кўрсатиш имкони йўқ, деганларини эшитиб қоламан. Йўқ, ундай эмас. Аслида ўтаётган ҳар бир кун Ватан шарафини мукаддас тутиб, буюк жасоратлар кўрсатиш учун кенг имконият беради. Бу эҳтиёжнинг эмас, балки зарурат ҳамдир.

Бугуннинг юлдузли онлари

Инсоний комиллик ахтариб унга етишмоқ умидида яшаган фарзанд ҳамиша яхшилардан, ёши улуғлардан ибрат олиб яшайди. Биз ҳар куни буюк ибрат намуналарига дуч келамиз. Фақат уни қалб кўзи билан кўришимиз, юрак эҳтиёжи билан ҳис этишимиз лозим. Ватан туйғусини чуқур идрок этиш йўлида, Ватанни шарафлашни ўрганиш йўлида яна бир буюк намуна борки, бу ҳақда сўзламасдан бўлмайди. Бу озод мамлакатимиз йўлбошчиси — Президент Ислом Каримов ибратидир.

Ислом Каримов республикага раҳбарлик қила бошлаган кезлар Ўзбекистон тақдири учун ҳал қилувчи ғоят масъулиятли бир давр эди. Мустабид тузум ўз ҳукмронлигини узайтириш учун миллий жумҳуриятларда турли миллий можароларни зимдан авж олдириб турган кезлар кечагидек ҳаммамизнинг ёдимизда. Фарғона ва Ўш воқеалари, Тошкент вилоятида келиб чиққан можароларнинг асл муаллифлари собиқ мустабид тузумнинг марказида эди.

Бизнинг бахтимиз шундаки, юртбошимиз ана шундай кезларда ниҳоятда вазминлик билан вазиятга холис баҳо бера олди ва у ер-бу ердаги ўт чиқишларнинг олдини тезда олишга, биродаркушлик алангасининг авж олиб кетишини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди.

Ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани сўзлаб юрадилар. Бу собиқ иттифоқ халқ депутатлари қурултойи кунлари Москвада Ислом Каримов ва Николай Рижков ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат бўлиб, ўрни келгани учун унинг тафсилотини келтириб ўтишни лозим кўраман. Маълум бўлишича, юртбошимиз собиқ иттифоқ даврида республикага раҳбарликни ўз зиммасига олгач, Зарафшон ва Мурунтовдаги олтин конларини Ўзбекистоннинг ўз тасарруфига ўтказишни ниият этиб, бу ҳақда иттифоқ ҳукумати раисига кўп бор мурожаатлар қилган. Табиийки, Москва миллий жумҳуриятлардаги муҳим стратегик иншоотларни марказдан туриб бошқаришни сира қўлдан чиқаргиси келмасди. Шунинг учун ҳамиша бундай сўровларга (илгари бундай сўровлар бўлганми-йўқми худо билади) йўқ, деб жавоб бериш одат тусига кирган. Бироқ Ислом Каримов ўз талабида қатъий турган. Қурултойга келган Ўзбекистоннинг айрим халқ депутатлари олдида Николай Рижков олтин конларини республика тасарруфига бермаслик учун турли важлар кўрсатади: у ерда жуда мураккаб технологик ускуналар, механизмлар мавжуд, республика уларни ўз кучи билан ишлатиши амримаҳол, иккинчидан, агар ўз талабларингизда шундай қатъий турадиган бўлсаларингиз, биз ўша техника ва технология воситаларини у ердан олиб чиқиб кетамиз, деб пўписа ҳам қилади. Шунда Ислом Абдуғаниевич, агар техникаларни олиб чиқиб кетадиган бўлсаларингиз — биз оддий лопатка-белкурак билан ҳам қазийверамиз олтинни, деб жавоб қайтарадилар. Николай Рижков: сизларда лопатка ҳам йўқ, униям Россиядан оласизлар-ку, дейди. Юртбошимиз: керак бўлса — қўлларимиз билан, тирноқларимиз билан ҳам қазиб оламиз олтинимизни деб кескин жавоб беради.

Ватанни севишнинг, миллатпарварлик ва юртпарварликнинг буюк тимсоли эмасми бу?!

Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида: «Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига буйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир», деб озод мамлакатнинг барча фуқароларини, ёшларини огоҳлантиради. Мен эса буни: бугуннинг юлдузли онлари, дегим келади.

Ватан шарафини ҳимоя этишни ният этган фарзанд Президент эътироф этганидек ҳарбий, сиёсий тазйиқлардан кўра таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин бўлган мафкуравий тазйиқлардан огоҳ бўлиши, собит эътиқод, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши керак.

Бу фикрлар ўз она-Ватанини, озод мамлакатини севиш, уни қадрлаш ва шарафлашнинг ҳақиқий сабоқларидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Миллат ва маънавият

«Улуғбек камоли» масъулияти чекланган жамият номига берилган корхона рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 5 noyabr, payshanba № 132 (23.369).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Юсуф ЖЎРАЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда. 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0484

Босмага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!

Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи шахслар диққатига! Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларининг

ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИ САВДОСИНИ БОШЛАДИ

Сотувда ранг-баранг қандолат маҳсулотлари (Германия), шиша идишлардаги 20 хил пиво (Чехия ва Словакия), «Смак» минерал суви ҳамда турли сиғимдаги «Смак» алкоголсиз ичимлиги (Россия).

НАРХЛАРИ БОЗОРНИКИДАН АРЗОН.
БАҲОЛАР 25-30 ФОИЗ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН.
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТЎРЛИЧА.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1. ☎ 45-70-65, 45-74-62

Обуна — 99

Шифокорлар ишончи

Урганч шаҳар марказий шифохонаси жамоасининг севимли нашри ҳисобланган «Ўзбекистон овози»га меҳрлари бўлакча. Чоғроқ жамоадан 35 нафар шифокорнинг газетамизга обуна бўлиши ҳам шундан нишона.

— Шифокорларимизни газетада босилаётган танқидий-таҳлилий мақолалар қизиқтиради, — дейди бош шифокор Отаназар Ниёзматов. — Ўйлаймизки, янги йилда ҳам газета мухбирлари қизиқарли мақолалар, танқидий чиқишлар билан бизни мамнун этишади.

Умуман, шаҳардаги барча корхона-ташкилотларда обуна мавсуми қизғин. «Автоўқувкомбинат» жамоаси янги йил учун 20 дона «Ўзбекистон овози»га ёзилишган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон матбуоти» — матбуотимиз кўзгуси

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг нашри — «Ўзбекистон матбуоти» журнали 1999 йил учун обуна давом этмоқда. Мамлакатимиз журналистлари, телевидение ва радио ходимлари, ноширлари, матбаачилари, китоб савдоси ходимлари, маданий-оқартув муассасалари ва кутубхоналарнинг жамоалари, дорилфунунларнинг ўқитувчи ва талабалари, ишчи-деҳқон мухбирлари ўзлари меҳр қўйиб, алари;

— вилоят, туман, шаҳар ва кўп нусхали газеталар ижодкорларининг бугунги ўй-мақсадлари, маҳаллий эшиттириш ва кўрсатувлар студияларининг фаолияти;

— журналистикамизнинг тамал тошини қўйган барҳаёт сиймолар, забардаст журналистларнинг ҳаёти ва ижоди, матбуотимиз фахрийлари, истеъдодли қаламкашларимиз ҳақида дил сўзлари;

— миллий матбуотимиз тарихига оид тарихий-публицистик мақолалар, матбуот шарҳлари, хориж сафаридан қайтган журналистларнинг таассуротлари, шунингдек ҳаваскор ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари, ишчи-деҳқон мухбириларининг хат-хабарлари билан яқиндан танишиб борасиз.

Икки ойда бир марта чиқадиган «Ўзбекистон матбуоти» журнали фақат Тошкент шаҳридагина саноқли миқдорда чакана савдога чиқарилади. Вилоятлардаги дўконларда эса сотилмайди. Зеро, журнални йил давомида мунтазам ўқиб боришнинг ягона йўли унга обуна бўлишдир. Обуна «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда расмийлаштирилмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти»нинг бир йиллик обуна баҳоси Тошкент шаҳрида: абонент қутисига — 228 сўм, уй манзилига — 246 сўм.

Индекси — 883.

Вилоятларда обуна баҳоси маҳаллий сарф-харажатлардан келиб чиқиб белгиланади.

З. ЕСЕНБОЕВ,
«Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири

Учрашув кунлари аниқланди

Спорт

Бангкокда ўтказиладиган навбатдаги Осиё ўйинларининг бошланишига саноқли кунлар қолмоқда. Мухлислар айниқса футбол учрашувларининг қайси кунларда бўлишига қизиқаётган эдилар. Яқинда ташланган қуръага кўра, 27 футбол жамоаси саккиз гуруҳга бўлиниб, саралаш учрашувларининг кунлари аниқланди. Ўзбекистон терма жамоаси «G» гуруҳига кирувчи Монголия ва Қувайт футболчилари билан куч синашадиган бўлишди. Вакилларимиз дастлабки учрашувни 3 декабрда Қувайт жамоаси билан ўтказишади. Бу гуруҳда дастлабки учрашув 1 декабрда Монголия — Қувайт футболчилари ўртасида бўлади. Йигитларимиз эса якунловчи ўйинни 5 декабрда монгол футболчилари билан ўтказишади. Нимчорак финал учрашувлари 9-12 декабрга мўлжалланган бўлса, чорак финал учрашувлари 12-13 декабрда бўлади. 19 декабрь куни финал ўйинлари ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

доқлаб келаётган журналга уюшқоқлик билан обуна бўлиб, ҳамкорлигимизни яна давом эттирадилар, деган умиддамиз.

Журналимизга обуна бўлсангиз:

— мамлакатимизнинг етакчи газета-журналлари таҳририятлари, нашриётлари, телевидение ва радио муҳарририятлари, матбаа корхоналари ҳамда китоб савдоси шахобчалари жамоаларининг иш тажрибасидан келиб чиқиб белгиланади.

Хуқуқ

Тақдир ўйинними ёки...

поймол қилинмоқда

Оддий кунларнинг бири. Хона эшигини кимдир қия очиб ичкарига мўралади ва мени кўргач, киришга рухсат сўради.

— Марҳамат, келинг — дедим. Сочлари қордек оппоқ, новча, қирра бурун, чап қоши устида чандиқ. Жуда изтиробли ва ҳорғин аҳволда эди.

Юм-юм йиғлай бошлади:

— Мен тамом бўлдим, тамом қилишди. Ўн фарзандим, ўн беш набирам кўчада қолди. Борарга манзилимиз, кирарга бошпанамиз қолмади, — дея чўнтагидан дастрўмолини олиб юзини артди. — Мана сизга ариза, мана ҳужжатлар. Ўқисангиз, ҳаммасини тушуниб оласиз. У гапира кетди.

— Мен Ҳасан Хўжақуловман. 1992 йилнинг баҳори, мартнинг бошлари эди. Ўғлим Худойназар Қизириқ бозорида айланиб юриб, тўртта безорининг қўлига тушиб қолади. Уни роса дўппослашади ва уриб бошини ёрадилар. Безорилар устидан Қизириқ туман ички ишлар бўлимида иш қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилди. Лекин, ҳеч ким жазоланмади. Уларнинг учаласига жавоб бериб, биттасига жиноий иш қўзғатилишига қарамасдан суд бўлмасданоқ озод қилиб юборишди. Бундан таъсирланиб, ота сифатида жабрловчиларнинг устидан туман прокурори Х. Аслановга шикоят билан кирдим. Унга ҳуқуқимиз поймол бўлаётгани — ҳақиқат ёқмади, шекилли, иккимиз жанжаллашиб қолдик. Орадан кўп ҳам вақт ўтмасдан ўша безорилар кичик ўғлим Ҳайитбойга ҳам зўрлик қилишади. Қизириқ туман ички ишлар бўлими терговчиси А. Турсинов ва участка нозири С. Ражабовлар Ҳайитбойни ушлаб, уни ҳар хил гаплар билан ҳақоратлаб, уриб жағини синдиришади. Ўғлим шундан сўнг вилоят марказий шифохонасида 27 кун ётиб даволанди (Асос: касаллик тарихидан кўчирма). Буни ҳам «қонун эгалари» шундайлигича «ёпиб юборишди». Ҳозиргача Ҳайитбой овқатни чайнаб ўтказишда қийналади. Шунисига ҳам шукр дея индамай юрдим. Ўғлим соғ қолди, шу катта давлат, дедим ўзимга ўзим. Деҳқонобод туманида яшовчи аммам қазо қилиб қолди. Мен ўша ёққа отландим. (Асос: борганлик тўғрисида Деҳқонобод маҳалла қўмитаси раиси Б. Назаров ва гувоҳларнинг кўрсатмаси). У ёқда аммамнинг маъракаларини ўтказиб, уч кундан кейин қайтдим. Уйга келсам яна янгилик. Кўчада қандайдир маст келиним ва хотинимни ҳақорат қилиб урмоқчи бўлибди. Улар нима қилишини билмай бир машинани тўхтатиб, мастни олиб келиб Жарқўрғон туман ички ишлар бўлимига топширишибди. Яхшиси бу ҳақда жанжалда иштирок этганларнинг ўзлари айтиб беришсин: — «Мен Раҳматова Қизларбасман, Ҳасанбой Хўжақуловнинг рафиқаси ва 10 фарзанднинг онаси. 1995 йилнинг 23 декабри. Қиш бўлса ҳам ҳаво илиқроқ эди. «Шабада» чойхонасига етганимда келинимнинг овозини эшитдим. Нима гап, дея сесканиб унинг олдига бордим. Борсам, бир нотаниш одам маст ҳолда келинимни ҳақорат қилаётган экан. Унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Қарасак, жанжал кучайиб бораяпти. Сабабини билмаймиз. Тоқатимиз тоқ бўлгач, йўлдан бир машинани ушлаб, уни Жарқўрғон мелисахонасига олиб бордик. Уларга топширдик. Шунда ходимлар бошлиқ, ўринбосари ва бизлар гувоҳлигимизда унинг чўнтакларини текширганида ёнидан бир дона сигарета, 1300 сўм пул ва қоғозчада ўралган наша топишди. Сўнгра Алимардон деган ходим бизларга жавоб бериб юборди».

Шундай қилиб, келиним ва хотинимни излаб Жарқўрғон ички ишлар бўлимига жўнадим. Борсам жабрловчининг изи ҳам йўқ. Учаламиз нима қилишни билмай, уйга қайтдик. Орадан бир ой вақт ўтди. Мени ходимлар чақиришди. Бирор янгилик бўлса керак деб ўйладим. Минг афсуски, ҳаммаси тескари бўлиб чиқди. Мен қип-қизил жиноятчига айланиб қолдим. Уларнинг айтишича, гўёки мен ўша келиним ва хотиним олиб келган мастни ўғирлаб кетиб, зўрлаб ароқ ичкизиб, ёнига наша солганмишман. Ё алҳазар, ёқамни ушладим. Жаноб прокурор ва бошлиқ бир ой олдин бу гапни нега айтмаганди? Энди нега бу фикрга келиб қолди?

Шундай қилиб, 1997 йил 27 март куни вилоят ички ишлар бошқармаси терговчиси Алишер Ражабов томонидан Қизириқ туманида ҳибсга олиндим. Ўн ой-ю тўққиз кун у ерда ётдим. Бўлар-бўлмасга ҳибсхонада Мурод Ашуров ва Алишер Ражабовларнинг тепкилари ичимни эзиб юборган эканми, буйракларим ишдан чиқаёзибди. Касаллигим туфайли вақтинчалик очиққа чиқдим.

1998 йил 22 июль кеч соат еттилар чамаси. «Шабада» чойхонасида ур-тўполон бошланди. Бу ҳақда мен гапирсам бўрттириб юборарман. Яхшиси, қўрганлар сўзлаб беришсин: «Мен Холёр Тошевман. «Бўстон» жамоа хўжалигида яшайман. Чўпонлик қиламан. «Шабада» чойхонасига тез-тез бориб чой ичиб тураман. Жанжал бўлган куни мен ўша ерда эдим. Ўша жойда сомсачи бўлиб ишлайдиган Чори Ғозиев маст бўлиб чойхонага келди. У Ҳасанбой Хўжақуловнинг савдо қилиб ўтирган ўғли Нарзулланинг олдига борди. Ундан сигарета сўради. Нарзулла сигарета қолмади деб жавоб берганди, ундай бўлса сақичингдан берасан, деди-да, иккита олди. Пулини тўламади. У сақичнинг бирини ёнидаги маст Хосият исмли аёлга берди. Нарзулла Чоридан пулини талаб қилганди, у жанжал бошлади. Расталарни ағдариб ташлади, ёниб турган лампочкаларни ва чойхона ойналарини қўли билан уриб синдирди. Қўлларини ойналар кесиб, қип-қизил қонга беланди. Сўнгра сомсахонасига югуриб бориб, болта кўтариб келди. Буни кўриб мен ўртага тушдим. Қўлидаги болтасини олиб қўйдим. Агарда шундай қилмаганимда билмайман нима бўларди».

Шундан сўнг Нарзулла қўрққанидан югуриб уйга келади. Акаси Рўзибойга буни тушунтиради. Шунда Рўзибой чойхонага етиб борса, Чорининг ака-укалари уни ҳам роса уришади. Болта билан вагонни уриб, чопади, ичига ўт қўяди. (Асос: расм ва кўрган гувоҳлар). «Мен Парда Очилдиев. Бўстон жамоа хўжалигида яшайман. Мироб бўлиб ишлайман. Озроқ деҳқончилик ҳам қиламан. Қовун-тарвуз дегандай... Уларни сотиб, тирикчиликни ўтказаман. 22 июль куни ана шу деҳқончиликдан 50 та тарвузни олиб «Шабада» чойхонасига бордик. У ерда кимларнингдир ўртасида жанжал бўлаётган экан. Мен Абдуназарнинг ўртоғи бўлганлигим учун у билан бирга эдим. Биз Рўзибой ва яна бир-икки кишини бўлимга олиб келдик. Бизга участка нозири Илҳом Омонов тушунтириш хати ёзасизлар, деди. Мен ёзмадим. Мен учун ҳам Абдуназар ёзди, мен фақат имзо чекдим».

Отангни қози урса, додингни кимга айтасан, дейишади. Бу ноҳақликларга чидай олмай ўғлимнинг орқасидан бўлимга бордим.

— Мени Мурод Ашуров ва участка нозири Илҳом Омоновлар бир хонага киргизиб ёнимни текшириб, 4200 сўм пулимни ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонини олиб қўйди. Нега олганлигини тушунмайман. Агарда қаршилик кўрсатсанг қамаб кўяман деди. Сўнгра ўғилларимни вилоят касалхонасига даволанишга ётқиздим. (Асос: касаллик тарихидан кўчирмалар). Орадан олти кун ўтгач, Қизириқ туман ички ишлар бўлими бошлиғи М. Тўраев, ўғилларимни алдаб шифохонадан чиқариб олиб Рўзибойни ҳибсга олиб ташлади. Гўёки ўғлим ҳамма қилғиликни қилиб қўйган воқеа «қаҳрамон»и Чори Ғозиевнинг қўлини уриб синдирганмиш. Бу гапни эшитиб, вужудимда титроқ пайдо бўлди. Нима гап бўлаётганини тушунмадим.

Мен вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига бу ҳақда шикоят қилдим. Ҳақиқат юзага чиқди. Чори Ғозиевни қўли синмаганлиги қайта текширувда аниқланди: — «Жарқўрғон туман, Оққўрғон жамоа хўжалигининг, Қизириқ участкасида яшовчи фуқаро Х. Хўжақуловга

Сизнинг 30.07.98. йил 01/511 сонли шикоят хатингизга асосан, вилоят бош тиббий эксперт, вилоят бош травмотолог ва вилоят бош норкологларидан иборат комиссия гуруҳи тузилиб, текшириб қуйидагиларни аниқлади.

Қизириқ тумани марказий шифохонаси 1846/328 сонли касаллик тарихида кўрсатилган ташхис тасдиқланмади.

Ташхис: чап тирсак бўғини пайларининг чўзилиши ва қон қуйилиши, 3-4 бармоқларнинг кесилган яраси.

Жароҳат олиш сабабларини аниқлаш ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан аниқланади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини К. Тўлаев».

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини имзоси билан 25 июлда мен соғлигим ёмонлашгани сабабли Тошкент шаҳридаги биринчи клиник шифохонасига даволанишга йўлланма олдим. Бу ҳақда Шеробод туман суди судьяси М. Назаровга маълум қилдим. Шундай бўлса-да, мени қамоққа олиш тўғрисида суд ажрим чиқарибди. Бунга нима дейиш мумкин? Шу кунларда шифохонада «сурункали пиелонефрит, иккиламчи буйрак қуриши, симтоматик нефроген гипертония, асаб тизими астенизацияси» ташхиси билан даволанмоқдаман.

Ўйга толаман. Наҳотки, бир инсон бошига «қонун посбони» шунчалик маломатларни солган бўлса? Беихтиёр Президентимизнинг сўзларини эсладим: «Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди». Шундай экан, жойларда инсон тақдирини ўйиннчоқ билаётганларни қандай тушуниш керак? Уларга қарата, ҳукуматимизнинг янги қонунлари инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун яратилган, дегим келади.

Мурод АЛИМ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири



«Вой-вў, дунё бунча кенг»
Абдулғани ЖУМА олган сурат.

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси: *Худойназарова*
Исми: *Омонжон*
Отасининг исми: *Соҳиб қизи*
Қачон, қаерда туғилган: *01. 07. 1898 йил Қашқадарё вил. Қарши тум. Дашт қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди: *Шу ерда*
Узоқ умр кўришнинг сири (қисқа баён этилади): *Тинч-тотувлик, озодалик, кўнгли кенглик*
Юз ёшнинг ҳулосаси (қисқа баён этилади): *Мустақиллик боқий, осмонимиз мусаффо ва осуда бўлсин*

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Аҳолидан 1940 йилгача қўлда тўқилган ҳар қандай аҳволдаги ГИЛАМЛАР, СЎЗАНАЛАР, КАШТАЛАРНИ қимматбаҳоларда СОТИБ ОЛАМИЗ

«Ориентир» этнография нашриёти. Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: 136-01-68

Бошқа ҳудудларда яшовчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз

Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151

Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.

Автокорхоналар раҳбарлари ва шахсий автомобиль эгалари диққатига!

«Совутгич» ҳиссадорлик жамияти

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда сотади. Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ва ишончлигига кафолат берилади.

Нарҳи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, Саноат зонаси. Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида.

☎ (3712) 41-53-45, 41-03-06.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

Ўзбекистон Кўпи ойқизлар жамиятига қарашли Тошкент чўтка ва картон ўқув маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати чекланмаган миқдорда сотади:

Ҳужжатлар тикиб қўйиладиган папкалар — 1 донасининг баҳоси 9 сўм 60 тийин.
Қоғозлар учун папкалар — 1 донасининг баҳоси 11 сўм 60 тийин.

Шунингдек, исталган икки ва ўнчамдаги картон маҳсулотлари шартномавий нархларда тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳ: Тошкент, Мунис кўчаси, 10. Мўлжал — «Қўйлиқ» бозори. Тел/факс: 90-86-37